O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
MUZRABOT TUMANI
HOKIMINING
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
МУЗРАБАДСКОГО РАЙОНА

2020 y « 04 » май № Қ-713 «____» _____ 20___ г

Туман бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларининг тасдиқланган ҳаражатлар режасига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 147-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-589-сон Қонунининг 8-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарорига асосан ҳамда туман Молия бўлимининг 2020 йил 22 апрелдаги 207-02-16/212-сон хатини инобатга олиб;

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарорига асосан туман бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларининг 2020 йил 1 февралдан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ҳамда кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам миқдори 1,07 баробарга оширилганлиги;

Туман маҳаллий бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорига киритилаётган ўзгаришлар миқдори 10 фоиздан кам эканлиги инобатга олинсин.

2. Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2019 йил 19 декабрдаги V-60/220-сон қарори билан тасдиқланган 2020 йил учун Музработ тумани бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган миқдорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Туман молия бўлими (А.Худойназаров)га 2020 йилги бюджет ижросини сифатли амалга ошириш ва кредитор қарздорликка йўл қўймаслик мақсадида

туман бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларининг 2020 йил харажатлар режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

4. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Ачилдиев зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **Э.Алимов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI MUZRABOT TUMANI HOKIMI * HUJJATLAR QISMI * РАЙОНА СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН HUJJATLAR QISMI РАЗДЕЛЬ ДОКУМЕНТОВ